

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Обидова Маъруна Шоэргашовна*

*Чирчиқ Давлат педагогика Университети*

*“Таълим муассасалари бошқаруви” йўналиши магистри*

*Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди*

*Шодмонов Баходир Шеркулович*

**Аннотация :** ушбу мақолада замонавий таълим кластери асосида самарали дарс бериш жараёнини такомиллаштириш борасида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** кластер, педагог, дарс жараёни, жаҳон тажрибаси, инновацион технологиялар.

Жаҳонда хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш орқали шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувини амалга ошириш ҳамда давлат ва жамиятларнинг умумжаҳон интеграциялашувини тезлаштириш муҳим тенденциялардан бири ҳисобланади. Жаҳон олий таълим муассасаларида бўлажак педагогларда билимларни ўзлаштириш ва касбий фаолият моделини лойиҳалаштириш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган янги концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда. Ҳозирги кунда таълим тизимининг шиддатли ривожланиши педагог ходимлар ва талабалар олдида қатор вазифаларни қўяди. Айниқса олий таълимни ривожлантиришда инновацион технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Польша, Россия ва бошқа кўплаб давлатларда замонавий таълим кластерини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат ва минтақалараро дипломатик алоқаларнинг кенгайишида муносиб ҳисса қўша оладиган, турли мураккаб профессионал масалаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган талаб ҳам кучаймоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида хорижий тилларни, жумладан, рус тилини ўқитиш мазмуни ва ўқув-методик таъминоти, таълим технологиялари, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг когнитив компетенцияларини инновацион технологиялар воситасида ривожлантириш, таълим натижаларини баҳолашнинг объективлигини таъминловчи воситаларни ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий – амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга рус тилини ўқитиш сифатини такомиллаштириш давлат таълим сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида

илмий изланишларнинг мустақил йўналиши ҳамда педагогика фани олдида турган долзарб вазифалардан бири саналиб, инновацион технологиялар асосида талабаларга рус тилини ўқитиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш заруратини белгилайди.

Мамлакатимизда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, тарбия ва ўқитиш усуллари, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш каби йирик ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни бажаришга устуворлик берилмоқда. Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасалари талабаларининг рус тилда нутқини ривожлантириш, уларда ушбу тилда эркин мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган кластер таълим тизими яратилмоқда. Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган. Бозор иқтисодиётида полиглот кадрларга бўлган талаб ортиб бораётганлигидан келиб чиққан ҳолда, методик ишларни ташкил этиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, олий таълим муассасаларида касбга йўналтирилган рус тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, шу жумладан, талабаларнинг когнитив компетенцияларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади. Кадрларни тайёрлаш миллий дастурида ҳалқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир, деб алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, бугунги тараққиёт ҳар бир ўқитувчидан ўзига хос жодкорлик, малака ватажрибани тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида хорижий тиллар фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарорини тизимли амалга ошириш мақсадида бошланғич синфларда хорижий тилни ўқувчиларга ўргатишдан мақсад уларнинг шу тилда сўзлаш, ёзиш, тинглаб ва ўқиб тушуниш каби кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда болаларнинг тафаккури, мулоқот маданияти, билим олишга қизиқиши, фаоллик, мустақиллик, маҳнатсеварлик, қизиқувчанликни уйғотишга қаратилади. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятини муваффақиятли ўстириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришга имконият яратади. Ўқувчиларда чет тили орқали мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда илғор педагогик технологиялар ўзига хос аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўқитувчига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ҳам илғор педагогик технологиялар билан танишиш, амалда қўллаш ва шулар орқали болаларни мустақил фикрлашга ўргатишдан иборат. Узлуксиз таълим тизимининг ҳамма бўғинларида ҳам ўқитувчи дарс жараёнида ноанъанавий дарсларда педагогик технологиялардан фойдаланади, лекин бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқувчиларга ўргатишда хорижий тил ўқитувчиси ўқувчиларнинг психологик, педагогик ва физиологик ривожланиш қоидаларини билиб, ўрганиб дарснинг мақсад ва мазмунидан келиб чиқиб, педагогик технологияларни дарсда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи дарс жараёнида педагогик технологияларни ишлатишда қуйидагиларга эътибор бериши лозим.

Маълумки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда хорижий тилларни ўқитишнинг мукамал тизими, яъни ҳар томонлама замонавий фикрловчи ёш авлодни тарбиялашда вазифаси қўйилган. Республикаимизда жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувга йўналтирилган тизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Дарҳақиқат, бугунги тараққиёт ҳар бир ўқитувчидан ўзига хос ижодкорлик, малака ва тажрибани тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида хорижий тиллар фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бошланғич синфларда хорижий тилни ўқувчиларга ўргатишдан мақсад уларнинг шу тилда сўзлаш, ёзиш, тинглаб ва ўқиб тушуниш каби кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда болаларнинг тафаккури, мулоқот маданияти, билим олишга қизиқиши, фаоллик, мустақиллик, маҳнатсеварлик,

изиқувчанликни уйғотишга қаратилади. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятини муваффақиятли ўстириш келгусида фанларни пухта злаштиришга имконият яратади. Ўқувчиларда чет тили орқали мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда илғор педагогик технологиялар ўзига хос аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ўқитувчига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ҳам илғор педагогик технологиялар билан танишиш, амалда қўллаш ва шулар орқали болаларни мустақил фикрлашга ўргатишдан иборат. Узлуксиз таълим тизимининг ҳамма бўғинларида ҳам ўқитувчи дарс жараёнида ноанъанавий дарсларда педагогик технологиялардан фойдаланади, лекин бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқувчиларга ўргатишда хорижий тил ўқитувчиси ўқувчиларнинг психологик, педагогик ва физиологик ривожланиш қоидаларини билиб, ўрганиб дарснинг мақсад ва мазмунидан келиб чиқиб, педагогик технологияларни дарсда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи дарс жараёнида педагогик технологияларни ишлатишда қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- ўқувчилар онгида муайян мавзу асосида янги тушунчаларни ҳосил қилиш;
- янги мавзуга оид қоида, атамалар моҳиятини очиб бериш;
- янги мавзунини ўтилган мавзулар билан изчилликда етказиш;
- ўқувчиларнинг фикрлаш даражасини ривожлантириб бориш;
- таълимий ўйинларнинг изчиллиги, хилмаҳиллиги ва қизиқарли бўлишига эришиш;
- шу машғулотнинг ўзида янги билим асосида шаклланган кўникмаларин текшириб бориш;
- ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- дарс жараёнида ўқувчилар иштирокини кучайтириб бориш.

Демак, шуни таъкидлаш керакки, келажагамиз бўлган ёшларнинг эркин фикрловчи, баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун уларни ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Жумладан, хорижий тилларни ўрганиш даражалари мазкур мақсадни амалга оширишда ўқувчиларнинг психологик, жисмоний ва ижтимоий жиҳатларини ўрганиб, ўзларини эркин тутиши ва фикрини мустақил ифодалашда тўсиқ бўладиган салбий психологик ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишда қўлланилиши лозим. Демак, бошланғич синфларда таълим оладиган ўқувчиларнинг ўзига хос бир қатормуаммолари мавжуд. Ўқитувчи ҳам педагог, ҳам психолог бўлиб қолмасдан, улар билан ишлаш техникасини ҳам

билиши лозим. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, бугунги кунда хорижий тилларни ўқитиш ДТСда кўрсатилган «А» босқич, яъни бошланғич синфларни ўз ичига олади. Демак, хорижий тил ўқитувчиси 2-3-синфларда таълим жараёнида қанчалик усталик билан педагогик технологиялардан ўз ўрнида, мақсадли фойдаланса, дарс самарадорлиги юқори бўлади. Бугунги ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фанининг хусусиятидан келиб чиқиб, таълим жараёнида турли интерфаол усуллардан фойдаланмоқда. Бизнинг йўналишимизнинг мақсади бошқа фанлардан фарқли равишда ноанъанавий дарсларда педагогик технологияларнинг турли интерактив усулларидан фойдаланиб, кичик ёшдаги ўқувчиларни эркин фикрлашга тайёрлашдир. Давлат таълим стандартида ҳар бир синф учун, масалан, 2-синф учун 200 та, 3-синф учун 250 та сўз ва ибораларни ўргатиш мақсади қўйилади, демак, хорижий тил ўқитувчиси педагогик технологиялар асосида юқорида таъкидланган мақсадларни амалга ошириши кўзда тутилади. Бошланғич синфлар учун хорижий тил ўргатишнинг А-1 бошланғич даражаси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимида хорижий тилларни ўргатиш мазкур ДТСга мувофиқ қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

А-1 даража: бошланғич таълим (2–4-синфлар);

А-2 даража: умумий ўрта таълим (5–9-синфлар).

Бошланғич синф ўқувчиларига хорижий тил ўқитувчилари нималарни ўргатиши, қайси педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга энг қулай усуллар ва услублар ёрдамида тилни ўргатиш кераклигини кўрсатиш таълимнинг инновацион йўналишларни татбиқ этишга ундайди. Тилни ўргатишда ўқитувчи инновация – педагогик технологияларни таълим тизимига киритиш, таълим тизимида энг илғор технологияларни жорий қилиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш таълим жараёнида болага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келади. Бошланғич синф ўқувчилари дарсларининг тўғри, аниқ, изчил самарали бўлиши учун бугунги кунда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши лозим. Биринчидан, педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириши, таълимнинг тушунарлилик, изчиллик ва киришимлилик, назарияни амалиёт билан боғлаш, кўргазмалилик, бугунги куннинг янги ёндашувлари, мультимедиа ўқувчиларнинг онглилигини амалга ошириш орқали таъминланади. Иккинчидан, бошланғич синф ўқувчиларига

фақатгина хорижий тилни ўргатишгина эмас, балки ўз дўстлари билан мулоқотни ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши лозим. Учинчидан, ҳар бир ўқитувчи педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланишда интерфаол усуллардан ўз ўрнида фойдаланиши зарур. Тўртинчидан, ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини шакллантириш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг физиологик ривожланишини ҳисобга олиб, турли дидактик ва ролли ўйинлар ташкил этиши лозим. Бешинчидан, ўқитувчи интерфаол усуллардан – ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда ўқувчилараро биргаликдаги ҳаракатдан фойдаланиши керак. Олтинчидан, ўқувчилар ўтилган мавзунини эсдан чиқармасликларининг олдини олиш мақсадида такрорлаш пассив амалга оширилмаслиги керак. Бошланғич синфларда «Дарс – муқаддас» контекстида педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш бугунги кунда муҳим, долзарб, ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда илм-фан, техника, ахборот тизими шиддатли ривожланмоқда. Ўқиш ва ўқитишда кундалик фаолиятга қатнашиш учун ҳар томонлама мукамал билим, малака ва кўникмага эга бўлишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш лозим. Таълим муассасаларида ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда хорижий тил ўқитувчиларининг ўзлари ҳам тажрибали тренерлар ёрдамида кўшимча курсларда таълим олмақдалар. Демак, ўқитувчиларда хорижий тилларни замонавий талаблар асосида ўқитиш учун компетенциялар шаклланмоқда. Бугунги кунда 2-синфдан бошлаб хорижий тиллар сифатида рус тилини ўқитишни муваффақиятли амалга ошириш учун педагогларга педагогик, психологик талаблар қўйилмоқда. «Ўқитувчи қимни ўқитади, нимани ўргатади ва қандай технологиялар асосида ўргатади?», деган савол қўйилади. Бунинг учун хорижий тил ўқитувчиси, авваламбор, ўз она тилини, унинг фонетикаси, грамматикасини мукамал билгандагина хорижий тилни қиёслаш орқали ўқувчиларга ўргата олади. Узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ўқитувчи, жумладан, хорижий тил ўқитувчилари тилшунослик бўйича қуйидаги зарурий компетенцияларга эга бўлишлари лозим: Тилшуносликка оид бу компетенциялар умумий ҳолда тавсия этилган. Уларни «Кластер» усули орқали қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин. Компетенциявий ёндашувни амалиётга татбиқ этиш учун тажрибали мутахассисларнинг 2- ва 3-

синфларда хорижий тилларни ўргатишининг аҳволини ўрганиш, мониторинг қилиш ёки уларнинг фаолиятини ўрганиш ва уларга методик ёрдам бериш бугунги асосий вазифалардан биридир. Шу мақсадда Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ташаббуси билан вилоят хорижий тил ўқитувчиларининг метод бирлашмаси ташкил этилди. Методик бирлашмага вилоятда фаолият юритувчи хорижий тил ўқитувчилари аъзо бўлиб, ҳар ойда бир марта вилоят туманлари мактабларида очиқ дарслар ташкил этилмоқда, ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида бугунги ёшларга тавсия этилаётган компетенциялар қай даражада шаклланганлигини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам беришда қўл келмоқда. «XXI аср ўқитувчиси тобора таракқий этиб бораётган бугунги фан-техника ютуқларига ҳар доим ҳозиржавоб бўлиши, улардан ўз дарсларида самарали фойдалана олиши керак бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида компетентли ўқитувчиларнинг кўпроқ бўлишига боғлиқдир. Дарсларда қўлланадиган илғор педагогик технологиялар ўқувчиларда хорижий тил фанига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларнинг чет тилига бўлган қизиқишини ошириш ва бу тилни мукамал билиш даражасига кўтариш, мантиқий аниқ ва тўлиқ нутқ эгаси бўлишига эришиш каби муҳим вазифаларни бажаришга ёрдам беради». Ўқитувчиларимиз бугунги кунда таълимнинг анъанавий ва оанъанавий шакллари асосида дарсларни ташкил қилиб келмоқдалар. Бизнинг бугунги кундаги асосий вазифамиз ДТС асосида ўқувчиларни ҳар томонлама эркин фикрловчи, ўзининг мустақил фикрларини тўлиқ баён эта оладиган баркамол авлод қилиб тарбиялашдир. Демак, дарс давомида шогирдларимизни «ўқувчи-тингловчи» сифатида эмас, балки ўқитувчи билан бемалол баҳслашиш кўникмаларига эга бўлган фаол ўқувчилар сифатида тайёрлашимиз керак

1. Ўқувчиларга чет тилида гаплашиш бошқалар билан коммуникатив алоқага кириша олиш, тушуна олиш ва тўғри жавоб қайтара олиш.  
 2. Ўқувчиларда чет тилларни ўрганишга нисбатан мотив (қизиқиш) уйғотиш ва қизиқиш давомийлиги, узлуксизлигини таъминлаш.  
 Шундай экан, мактаб ёшидаги ўқувчиларда рус тили саводхонлигини тўғри ташкил этиш ва узлуксизлик тамойиллари асосида ривожлантириб бориш уларнинг келажакда хорижий тил ўрганишга қизиқиш билан ёндашишга ва самарали равишда рус тилида сўзлашувга ўргатади. Бу эса хорижий тил ўқитувчисига ўзига хос машаққатли меҳнатни талаб этади. Демак, «Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишини таъминлашдан иборат»<sup>1</sup>,

дейди ўзбекистонлик педагог Ў.К.Толипов ва хорижий тилларни ўқитишда муайян интерфаол усулларни тавсия қилади. Хорижий тилларни самарали ўқитишда турли интерфаол усулларни тавсия этиш мумкин. Мураккаб мавзуларни ўқувчилар онгига осонгина сингдириш учун педагогик технологияларнинг турли хил методлари (усуллари)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Ақлий хужум», «Кластер», «Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш», «БББ» (биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим), «Венн диаграммаси» методлари шулар жумласидандир Дарсларни мукамал ташкил этиш учун илғор педагогик технологияларни олиб кириш, уни таълим мазмунига сингдириш, дарс ўтишнинг янгидан-янгибўлади. Бу вазифа, албатта, ноанъанавий дарсларда педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Тадқиқотлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, компетентли хорижий тил ўқитувчилари педагогик технологиялардан ўринли, мақсадли, мавзуларнинг талабларидан келиб чиқиб, самарали фойдалансалар, қуйидагиларга эришадилар:

1. Юқоридаги синфларни ўзида мужассамлаштирган ўқитувчи етарли билим, кўникма, малакага эга бўлиши, педагогик технологияларнинг моҳиятини аниқ билиши.
2. Таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ёшига хос педагогик, психологик индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиб педагогик технологияларни қўллаш.
3. Ўқитувчининг фазилатларидан бири у ўз фанини юқори савияда билиши таълим самарадорлигини оширишда педагогик технологиялардан унумли фойдаланиб, натижага эришиш.
4. Ўқитувчи касбига оид талаблардан бири болаларни севиши, уларнинг ҳаёти билан қизиқиши, педагогик технологияни қўллашИккинчи синфларда хорижий тилни ўргатишнинг мақсади ёзиш ва ўқишдан иборатдир. Дарсларни кузатиш давомида педагогик технологияларнинг қўлланилиши турли интерфаол усуллар орқали бўлиб, улар жуда юқори натижа бермоқда.